



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - Iyul

13 u -son

Bog'ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “Иқтисодий ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 777-сонли қарори ҳақида”ги 451қ-сонли қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 777-сонли ҳамда бу юзадан вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 декабрдаги 451қ-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “Иқтисодий ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 777-сонли ҳамда бу юзадан вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 декабрдаги 451қ-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг 3-иловага мувофиқ қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Туман ҳокимининг 4-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ўзлари қабул қилган ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи С.Курбонов зиммасига юклансин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев